

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИГА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш ва яқинлаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март кунги ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Республика тез тиббий ёрдам маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ва унинг 14 та ҳудудий филиали тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда тиббий автоҳўжаликлар негизида ташкил қилинсин ва тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилсин.

2. Белгилансинки: Марказ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тез тиббий ёрдам фаолиятини республика бўйича мувофиқлаштиради ва назорат қилади; тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда махсус автотранспорт воситалари (эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар), дори воситалари ва сарфлаш материаллари, тиббий жиҳозлар таъминоти Марказнинг ҳудудий филиалларига ўтказилади;

Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида ситуацион мувофиқлаштирувчи бўлимлар ташкил этилиб, туман (шаҳар) ва ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини таҳлиллар асосида бошқаради ва тақомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автоҳўжаликлар таркибидagi тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари Марказнинг ҳудудий филиаллари таркибига ўтказилади ҳамда автотранспорт воситаларига

техник хизмат кўрсатиш аутсорсинг шартномалари асосида амалга оширилади; тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларида ёқилғи-мойлаш материалларининг сарфи электрон дастур орқали назорат қилинади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) бир ой муддатда Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари уставлари ва тузилмаларини тасдиқласин. Бунда Марказ директориға, зарур ҳолларда, тасдиқланган тузилмаларга ходимларнинг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, марказий туман (шаҳар) шифохоналари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автоҳўжаликларнинг янгиланган штат нормативларини ишлаб чиқсин ва 2022 йил 1 сентябрга қадар тасдиқласин.

5. Қуйидагилар: Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва аҳолига янада яқинлаштиришга оид чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам хизматини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ

(кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам тизимида мавжуд автотранспорт воситалари паркинни босқичма-босқич янгилаш режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ишчи гуруҳ (О.Ғазилов): Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросининг таҳлил қилинишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида мақбуллаштирилдиган бўлим ва ташкилотларнинг белгиланишини ҳамда мулкӣ, молиявий ва меҳнат муносабатлари белгиланган тартибда ҳал этилишини;

тез тиббий ёрдам хизмати бўйича аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатилиши борасида чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлигининг тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини Тошкент шаҳри тажрибаси асосида республиканинг бошқа ҳудудларида 2023 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ жорий қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Бунда 2022 йил 1 декабрга қадар Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари, 2023 йил 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари туман (шаҳар)ларидаги диспетчерлик хизматлари тугатилиб, Тошкент шаҳри тажрибаси асосида Марказнинг ҳудудий филиалларида ягона “Call-марказ”лар фаолияти йўлга қўйилсин.

■ Нуқтаи назар

ҲАР БИР ТАКЛИФ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ислоҳ қилиш фикри ва ғояси бирданига пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бош қомусимизнинг 29 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига ва парламентга йўллаган мурожаатида ҳамда Тараққиёт стратегиясида конституциявий ислохотларнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, даврнинг ўзи барча соҳада ислохотлар ўтказилишини талаб қилаётгани қайд этилган.

Ана шу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, конституциявий ислохотлар бошлаб юборилди. Айни пайтда аҳолининг барча қатламидан, ҳуқуқшунослар, профессор-ўқитувчилар, олимлар, зиёлилар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан Конституцияга киритилиши зарур бўлган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича минглаб тақлифлар берилмоқда. Шунинг ўзидек конституциявий ислохотлар қанчалик долзарблигини кўрсатиб турибди.

Аниқ мисоллар билан айтилган бўлсак, қисқа вақт ичида Конституциявий комиссияга 20 мингдан зиёд тақлифлар келиб тушган. Аҳамиятлиси, тақлифларнинг катта қисми ёшларга тегишли. Бу, ўз навбатида, ёш авлод вакилларининг мамлакат тақдирига, олиб борилаётган ислохотларга бефарқ эмаслиги, давлатимизнинг келгуси тараққиёти ва фаровонлигига даҳдорлик ҳисси юксалиб бораётганидан ҳам далолатдир.



УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон барча соҳада тараққиётнинг янги босқичига қадам ташлади. Бугун эса жамиятимиз янада масъулиятли вазифа — амалдаги Конституцияни ислоҳ қилишдек тарихий воқелик арафасида турибди: конституциявий ислохотлар ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда.

Назаримда, мазкур жараёнинг ўзи барчамизнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни яна бир бор англаб олишга, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, кўча-кўйда, маҳалла гузариди, турли жамоаларда одамлар конституциявий ислохотлар ҳақида суҳбатлашаётганига,

баҳс-мунозара юритаётганига ғувоҳ бўласиз. Бу, биринчидан, одамлар айни жараёнга бефарқ эмаслигини англатса, иккинчидан, ҳақиқат баҳсларда тугилишининг яна бир исботидир. Қолаверса, соғлом баҳс-мунозара ҳар қандай ўзи билдирмоқчи бўлган фикрнинг тўғрилигига ишончини орттириб, элурут равнақи йўлида янги марралар сари руҳлантиради.



ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДА ИСТИҚБОЛЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР ҚИЁФАСИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Дунёда мамлакатлар имижли, ривожланиш тенденциялари, халқнинг яшаш шароити ва фаровонлигига ўзига хос “ташхис” қўйишга ихтисослаштирилган тадқиқот институтлари, ижтимоий сўровномалар ўтказувчи марказлар бор. Бундай институт ва марказлар ҳулосалари ҳар қандай давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, нуфузи ва мавқеини белгилайди.

Замонавий мезонлар асосида янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар самараси бу каби илмий-амалий марказлар ҳулосаларида яққол акс этиб, мамлакатимизнинг нуфузли халқаро рейтинглардаги обрў-эътибори йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

■ Таҳлил

Ана шу жараёнда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз эркинлиги, тадбиркорликда имтиёзлар бериш, коррупцияга қарши курашиш жабҳасидаги ўзгаришлар кенг эътироф этилгати. Ўзбекистон дунёда истиқболли ва ишончли ҳамкор қиёфасида намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда юртимизда миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш борасида ташқи донор, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича тавсиячар чоралар қўрилди.

Ўз навбатида, “Инсон қадри учун” таъминоти асосида фаровонлик кўрсатишча-

рини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ютуқлар бардавомлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Яқинда Жаҳон банки томонидан 2022 йил учун Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ўсиши прогнозлари бўйича ҳисобот эълон қилинди. Нуфузли халқаро тузилманинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган глобал иқтисодий истиқболлар бўйича навбатдаги ҳисоботида Ўзбекистон кўрсаткичлари 4,3 фоизгача яхшиланди. Ўзбекистонда 2021 йили ЯИМ ҳажми 734,6 триллион сўмни таш-

кил этди ва ўсиш 7,4 фоиз бўлди. 2020 йили бу кўрсаткич 580,2 триллион сўм бўлган эди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМнинг ҳажми 21 миллион сўмга етди. Бу 2020 йилдагига қараганда 5,3 фоиз кўп.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулот — 7, саноат — 9,5, хизматлар — 20, қўрилиш соҳаси — 6 ҳамда қишлоқ хўжалиги 4 фоизга ўсди. Инфляция даражаси 10 фоиздан паст бўлди.

Экспорт ҳажми 16,5 миллиард долларни ташкил этиб, 2020 йилдагига нисбатан қарийб 1,3 миллиард долларга ошди. Умумий қиймати 12,4 миллиард долларлик 318 та йирик ва 14 мингта ҳудудий лойиҳалар ишга тўширилди. Ижтимоий ҳимояга мўҳтож аҳолининг турмуш шароити яхшиланди.



ХУСУСИЙ ШЕРИК НЕГА ЯККАЛАНИБ ҚОЛДИ?

БУНГА «АГРОБАНК»НИНГ КАСБИ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ РАҲБАРЛАРИ АЙБДОРМИ ЁКИ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИК?

Касбилик Бекзод Қиличев тадбиркор йигит. Ушлаган жойини қўйвормайди. Яъни бир ишни бошладим, охирига етказмагунча тиниб-тинчимайди. Рост, иши ҳар доим ҳам “ўхшайвермайди”. Чунки у “олди-берди”ни ёмон кўради. Халол रिзқ топиб оиласини боқишга одатланган. Шу боис ўзи истиқомат қилаётган Касби туманидаги Хўжакарлик қишлоғида 160 ўринли богча қуришга ер олиш учун қанча вақти кетди, асаблари зирқиради.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

— Тўғриси, ерни жуда қийинчилик билан қўлга киритдим, — дейди “Yulduz Agro” хусусий мактабгача таълим муассасаси таъсисчиси Бекзод Қиличев. — Адолат қарор топди. Лекин богча қуришга келганда, бундай катта муаммоларга дуч келаман, деб

сизга ўйламаган эдим. Аммо қийинчиликлардан қочмадим. 160 ўринли богча қуриш учун тайёрлаган ҳужжатларим асосида Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари Б. Онорбоев билан 2021 йилнинг 4 октябри-

да битим тузиб, хусусий шерик макрамга эга бўлдим...

Алдагани бола яхшимми?

Бекзод Қиличев битим имзоланган куннинг эрта-

сигаёқ ҳужжатларни “Агробанк”нинг Касби тумани филиалига олиб борди. Афсуски, филиал раҳбарлари уни очиқ чехра билан... кутиб олишмади. Нега дейсизми?

— Чунки битим 5,2 миллиард сўмдан зиёд маблағга тузилган бўлиб, бу миқдорнинг 3 миллиард 520 миллион сўми банкнинг 5 фоизли кредити ҳисобидан тўланиши белгиланган эди, — дейди тадбиркор. — Банк раҳбарлари менга “Ўзингизнинг зимма-нигизга олган 1,7 миллиард сўмлик ишни бажаринг, кредитни кейин берамиз”, дейишди.



■ Мулоқот



Мақсад – давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни янада мустаҳкамлаш

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Америка Қўшма Штатларида бўлиб турибди.

Бу ташрифдан кўзланган асосий мақсад давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат. Шундан келиб чиқиб, ташриф-

нинг илк кунда АҚШ расмийлари, жамоатчилик вакиллари ва ишбилармон доиралари билан бир қатор учрашув ҳамда музокаралар ўтказилди.

Парламентлараро муносабатларни фаоллаштириш бўйича келишувга эришилди

Ташриф доирасида делегациямиз раҳбари Танзила Норбоева АҚШ Конгресси Ташқи ишлар қўмитасидаги Осиё, Тинч океани ва Марказий Осиё минтақаси бўйича қўйи қўмита раиси, Калифорния штатидан сайланган конгрессмен-демократ Ами Бера билан учрашди.

Мулоқотда парламентлараро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масаласи кенг муҳокама қилинди.

Конгрессмен 2021 йил октябр ойида Тошкентга ташрифи доирасида АҚШ Конгресси делегацияси аъзолари учун уюштирилган самимий қабул ва Ўзбекистон расмий доиралари билан мазмунли учрашувлар учун миннатдорлик билдирди.

А. Бера Ўзбекистон — Америка ҳамкорлиги истиқболлари ҳақида гапирар экан, Қўшма Штатлар иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги ҳамкорликни яхшилаш учун имкониятлар

излаётганини ҳамда Ўзбекистонда ва умуман, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш борасида кўп қиррали шериклики давом эттиришдан манфаатдорлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, конгрессмен Ўзбекистонда гендер тенглик ва хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қизгин олқишлади.

Учрашув якунида Ўзбекистон — Америка кўп тартибининг долзарб масалалари юзасидан парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш бўйича келишувга эришилди.

Мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги ютуқлар юқори баҳоланди

Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация АҚШ Давлат котибининг Фуқаролар хавфсизлиги, демократия ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ўринбосари Уэра Бера билан учрашди.

Унда юртимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, одам савдосининг олдини олиш ва унга чек қўйиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, бу борада халқаро тузилмалар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ҳуқуқий ҳамда институционал чора-тадбирлар батафсил кўриб чиқилди.

У. Зея мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади ҳамда Ўзбекистон нисбатан қисқа вақтда улкан ютуқларга эришганини ҳамда Қўшма Штатлар мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг ижобий динамикасини қўллаб-қувватлаш-

ни давом эттиришга тайёр эканлигини таъкидлаб ўтди.

Унинг фикрича, бу ютуқлар жаҳон бозорига Ўзбекистоннинг тўққимачилик соҳасида рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, у Давлат департаментининг одам савдоси тўғрисидаги маърузасида Ўзбекистоннинг ўрни “назорат остидаги рўйхат”дан иккинчи даражага (Tier-2) кўтарилганлиги билан қўтлар экан, ушбу саъй-ҳаракатлар давом эттирилишига умид билдирди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини янада яхшилаш учун янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдилар.

«Ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилингани муҳим воқеадир»

Ташриф доирасида Танзила Норбоева АҚШнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича комиссияси (Хельсинки комиссияси) катта сиёсий маслаҳатчиси Женис Хелвиг билан учрашди.

Учрашувда бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш борасидаги ютуқларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қолаверса, Ж. Хелвиг одам савдосига қарши курашиш ва гендер масалалари билан шугулланувчи, шунингдек, Марказий Осиё билан ишлаш бўйича 25 йиллар тажрибага эга бўлган мутахассис сифатида “Cotton Campaign” халқаро коали-

цияси томонидан ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилингани муҳим воқеадир”, дея таъкидлади.

Шунингдек, Ж. Хелвиг Ўзбекистоннинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, айниқса, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан алоқалари барқарорлигига уруғ берди. У мамлакатда ЕХҲТ тавсиялари ва асосий принципларини татбиқ қилиш давом эттирилишига ишонч билдирди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

АҲОЛИГА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

тез тиббий ёрдамнинг туман (шаҳар) ёки худуд чегарасидан қатъи назар, беморгача масофанинг яқинлигига қараб тиббий бригадани йўналтириш йўлга қўйилади.

10. Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов) жойларда тез ва шошилинч тиббий ёрдам ҳизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйдагиларни назарда тутувчи **чора-тадбирлар дастури** амалга оширилишини таъминласин:

а) Марказ ва унинг худудий филиаллари 4-иловага мувофиқ **жойлаштириш**, уларни **замонавий бино ва иншоотлар билан таъминлаш**;

б) Марказнинг худудий филиаллари ва “Call-марказ”ларни **жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш** (сув, электр, алоқа, интернет, локал тармоқ ва бошқалар);

в) тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини ҳамда автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш ва бошқа материаллар, дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий жиҳозлар **таъминотини худудий филиалларга ўтказиш**;

г) марказий туман (шаҳар) шифохоналари қабулхоналарини шошилинч хизмат кўрсатишга ва юқори технологик тиббий жиҳозларни ўрнатишга мослаштириш;

д) тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига **радиоалоқа воситалари ва GPS-трекерлар** ўрнатиш;

е) тез тиббий ёрдам бригадаларини **планшетлар** билан таъминлаш;

ж) Марказнинг худудий филиалларида **электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини** Тошкент шаҳри тажрибаси асосида жорий этиш;

з) тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни **аутсорсингга ўтказиш** ҳамда электрон тизим орқали назорат қилишни ташкиллаштириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2022 йил 1 декабрга қадар**

ҳамда **2023 йил 1 сентябрга қадар** мутасадди раҳбарлар ҳисоботини эшитиш тавсия этилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази **Республика тез тиббий ёрдам маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактаби** (кейинги ўринларда — Мактаб) этиб қайта ташкил этилсин ва Марказ тасарруфига ўтказилсин.

Белгилансинки, Мактаб тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов) билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** 10 мингта кўчага ном бериш ишларини якунласин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш ва рақамлаштириш учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида **85 миллиард** сўм миқдордаги маблағларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига йўналтирсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон банки шошилинч хизматларни ривожлантириш лойиҳаси доирасида **5 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни тез ва шошилинч тиббий ёрдамни рақамлаштириш тадбирларига йўналтириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

15. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг эскирган ва фойдаланилмаётган автотранспорт воситаларини қимшоди савдоларида сотишдан тушган маблағлар тез тиббий ёрдам хизмати автопаркини янгилаш мақсадлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига йўналтирилсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлигига тез тиббий ёрдам

бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув ҳамда ягона кўнғироқларни қабул қилиш тизимларини республиканинг барча худудларида босқичма-босқич жорий этиш учун Тошкент шаҳрида мазкур тизимларни жорий қилишга жалб қилинган тизим интегратори билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилсин. Бунда кўрсатилган хизмат тарифлари Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) **2022 йил якунига қадар** мавжуд ўринлар ва штат бирликлари доирасида:

марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларидаги ўринлари педиатрия, терапия ва хирургия бўлимлари тарихидаги ўтказилиб, беморларни касаллиқнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган (триаж) туну кун ишлайдиган **шошилинч қабул бўлимларини**;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг худудий филиаллари ҳамда барча туманлараро кўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида **шошилинч қабул бўлимларини**;

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 1-сон, Яшнобод туманидаги 4-сон, Юнусобод туманидаги 7-сон шаҳар клиник шифохоналари ҳамда Учтепа туманидаги Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси таркибида алоҳида юридик мақомга эга бўлмаган **туманлараро кўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини** ташкил этсин.

18. Марказ ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, уларнинг худудий филиаллари ҳамда туманлараро кўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат турларидан ташқари хизматларни пуллик асосда ташкил этишга рухсат берилсин.

19. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги

(Ш.Вафаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) янги ташкил этилаётган туманлараро кўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини жиҳозлаш учун Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда COVID-19 коронавирусини инфекциясига қарши курашиш бўйича шошилинч чораларни кўриш” лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағларни йўналтирсин.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев): Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** шошилинч қабул бўлимларининг янгилашган штат нормативларини тасдиқласин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг ўринлар фонддини аҳоли сони ва касаллиқлар йўналишларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

22. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев белгилансин.

24. Қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 16 июнь	

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДА ИСТИҚБОЛЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР ҚИЁФАСИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

 Дунёдаги бугунги мураккаб жараёнлар ва мамлакатимиз босиб ўтаётган тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш учун танланган йўл тўғри эканлиги яна бир бор исботланди.

Жаҳон банки экспертлари 2023 йилда Ўзбекистон учун 5,3 фоизлик ўсиш прогнозини тақдим қилди. Бу олдинги ҳисоб-китоблардан 0,5 фоизга паст бўлса-да, 2024 йил учун прогноз қилинган 5,5 фоизга қайтиш кутилмоқда. Жаҳон банки ҳулосаларига кўра, Ўзбекистон яқин икки йилда Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори иқтисодий ўсишни қайд этади.

Юртимиз иқтисодиёти кўп тармоқли ва рақобатбардош

Кейинги йилларда иқтисодий драйвер ҳисобланган транспорт, энергетика ва туризм соҳалари ислоҳ қилиниши, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилиши барқарор ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айни жараёнда хусусий мулк дахлсизлиги таъминланишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани эса хорижий сармоядорлар ишончи янада ортди. Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги яқшиланишини таъминлаяпти.

Ўзбекистонда олиб борилаётган халқ билан мулоқот сиёсати, ижтимоий шериклик тамойилларига асосланган давлат, бизнес ҳамда жамият ўртасидаги ҳамкорлик натижасида бугун юртимизда бирдамлик ва ўзаро ишонч муносабатлари ўрнатилди. Бу эса, ўз навбатида, ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилишига ишонч янада ортишига сабаб бўлди.

Ислохотлар самараси сифатида халқаро молиявий ташкилотлар ва йирик ҳамкорларнинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли шериклиқа қизиқиши ортди. Бунга биргина мисол сифатида Германия иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлигининг 2030 йилгача мўлжалланган стратегиясида Марказий Осиё минтақасида ўзининг етакчи иқтисодий ҳамкори сифатида Ўзбекистонни белгиланганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётимиз барқарор ривожланишининг энг муҳим қафолати — бу Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кенг қамровли ислохотларга асосланган, энг асосийси, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётган, чуқур ўйланган ва узок муддатли стратегиянинг изчил ва улусқисиз амалга оширилаётганидир. Шу билан бирга, инновацион билимга таянган инсон омилни қамраб олувчи кучли фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича олиб борилаётган сиёсат иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатапти.

Бугунги кунда республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири — бу ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, ташқи ва ички бозорлар учун сифатли махсулотларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва сотишда замонавий савдо хизматларини ташкил қилиш ҳамда ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жара-

ёнида худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш талаб этилди. Боиси айнан улар миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини, унга хоc ҳусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бунда худудларда мавжуд табиий ресурслар, демографик вазият ва инсон ресурслари, маъмурий-худудий тузилмалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Иқтисодиётда “барқарор иқтисодий ўсиш” деган тушунча мавжуд бўлиб, у барқарор ривожланишнинг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади. Барқарор иқтисодий ўсиш — мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларининг маълум йиллар давомида (одатда беш йил) ижобий ва ўзаро мутаносиб ўсиш динамикасидан вужудга келадиган иқтисодий ўсишдир. Чунки иқтисодий ўсиш — миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайиши, ресурслардан самарали фойдаланиш, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлиши, халқаро бозорларда мамлакат нуфузининг ошишига олиб келади.

Ресурслардан унумли фойдаланиш — давр талаби

Жаҳон банки экспертларининг ҳулосасига кўра, ресурслар нархининг ошиши чекланган даражада мавжуд вазиятнинг салбий таъсирини юмшатишга ёрдам беради. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодиётнинг драйвер соҳаларида барқа-

“*Ўзбекистонда олиб борилаётган халқ билан мулоқот сиёсати, ижтимоий шериклик тамойилларига асосланган давлат, бизнес ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик натижасида бугун юртимизда бирдамлик ва ўзаро ишонч муносабатлари ўрнатилди. Бу эса, ўз навбатида, ислохотлар энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилишига ишонч янада ортишига сабаб бўлди.*

рорлиқни сақлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда энергия таъминоти ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳамюртларимизнинг яхши яшаши ва ишлаб чиқаришнинг мунтазам фаолият олиб бориши учун энг зарур манбалардан бири, бу энергия ҳисобланади.

Соҳадаги ислохотлар натижасида энергия таъминотидаги узиллишлар сони анча камайди. Лекин айниқса, куз-қиш мавсумида энергияга бўлган эҳтиёжнинг кескин ошиши соҳада янгича тартибда ишлаш заруратини юзага келтирмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда юртимизда 2-3 миллиард киловатт/соат электр энергиясига қўшимча талаб бор. Келгуси беш йилда эса бу эҳтиёж 10 миллиард киловатт/соатга ошиши кутилмоқда. Бундай вазиятда энг самарали йўл уй, корхона, боғча, мактаб ва шифохоналарда муқоабил энергиядан фойдаланишни кўпайтиришдир.

Мамлакатимизда бир йилда 10 миллиард долларлик электр ва газ истеъмоли қилинади. Шу боис энергия ресурслари истеъмоли бўйича меъёрларни белгилаш,

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий объектларда энергия тежамкорлик миллий дастурини ишлаб чиқиш бўйича қўйилаётган вазифа ўзининг ижобий самарасини беради.

Дарё ва сойлар суви ҳам қишлоқ ҳўжаллиги, ҳам энергетика, ҳам аҳоли турмуши учун муҳим манба. Шунинг учун сув омборларини модернизация қилиш орқали хавфсизлигини ошириш, гидромеханик усуналар ва ўлчов қурилмаларини янгилаб, тизимни рақамлаштириш давр талаби ҳисобланади.

Рақамлаштириш орқали “Ўзбекгидро-энерго” акциядорлик жамиятининг ситуацион-тахлил марказига ҳамма иш жараёни онлайн уланади ҳамда йиллига қўшимча 120 миллион киловатт/соат электр ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бундан ташқари, Ҳисорак ва Оҳангарон сув омборларидан йиллик 22 миллион киловатт/соат қувватли 2 та янги кичик ГЭС қурилади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда хизматлар соҳасининг ўрни алоҳида бўлиб, хизматлар кўрсатишда кам харажат билан кўп аҳолининг бандлигини таъминлаш имконияти бор. Шу мақсадда худудларда маиший хизмат уйлари, ишсизларни касб-ҳунарга ўргатиш марказлари ташкил этилиб, улар қулай шaroит билан таъминланаяпти.

Президентнинг шу йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, соҳага қўллаб-қўллагилари берилди, имтиёзли ресурслар ажратилди. Булар орқали жорий йилда юртимизда

мизнинг дунё миқёсидаги ижобий имижни шаклланди.

Шу ўринда савол туғилади: Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда ўрин ағлалishi қанчалик муҳим? Биламизки, халқаро рейтинглар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолаш — иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида қабул қилинган меъёр ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, бу каби рейтинг ва индекслар нафақат экспертлар, балки давлатлар даражасида ҳам ислохотлар ва иқтисодий сиёсатнинг муваффақияти мезонлари сифатида қўлана бошланди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг ишончли базасини яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш биз учун, жаҳон иқтисодиётидаги бугунги замонавий жараёнлар фонда, айниқса, долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, инвестициялар оқимини сезиларли даражада ошириш, институционал ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бора-бора қатъи муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усулларидан бири, бу — юртимизнинг умумэтироф этилган халқаро рейтингларда фаол иштирокчини таъминлаш ва ушбу тадқиқотларда муайян натижаларни қўлга киритишдир.

Халқаро рейтинг ва индексларда юқорилаш мақсадида ушбу рейтинг ва индекслар доирасидаги индикаторлар билан чекланиб қолмай, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган барча соҳадаги вазифалар ижроси бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокчини қамайтириш, хусусий секторнинг ролини қучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини қучайтириш ва бошқа масалаларда қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этиляпти.

Бу борада савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш, дунёнинг етакчи халқаро таҳлил ва илмий тадқиқот, ишлаб чиқариш муассасалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини янада юксалтириш долзарб масала. Айни жараёнда кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, миллий туристик брендини яратиш, хорижий нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро манфаатли келишувларга эришиш, халқаро ташкилотлар вакиллари-ни юртимизга тақлиф қилиш ва нафоти юз бераётган ўзгаришлар билан таништириш жуда ҳам муҳимдир. Зеро, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўини ошириш, халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини юксалтириш халқимиз фаровонлиги, мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти ҳамда давлатимиз куч-қудратининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз омкемини юксалтириш йўлида шахдам одимлар ташляпти. Шунга монанд равишда миллий рейтингимизни белгилаётган нуфузли халқаро тузилмалар ислохотларни муносиб баҳоламоқда. Бу — мамлакатимизнинг халқаро миқёсда ўз обрў-эътиборини тобора мустаҳкамлаб бориши, ўзаро ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлишининг энг муҳим мезонидир.

Надир ЖУМАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

ҲАР БИР ТАКЛИФ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ ЭЪТИБОРИДА

 Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига маҳаллий Кенгашлар депутатларидан, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларидан тақлифлар келиши давом этмоқда. Бу тақлифларни бир қатор йўналишлар бўйича тизимлаштириш мумкин.

Аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор берилаётганлигини айтиш зарур. Шулар асосида “Инсон — олий қадрият” тамойили устувор масала сифатида илгари сурилиб, “Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилганидан тегишлидир” деган норма Конституцияда белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида илгари сурилган “Шахс — жамият — давлат” тамойили асосида давлатнинг инсон ва жамият олдидagi мақомини, бурч ва мажбуриятларини янада такомиллаштириш тақлиф этилмоқда. Бу давлат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини таъминлаш ҳамда унинг тинчлигини қўзғаб фаолият юритиши Конституцияда акс эттирилишини назарда тутди. Натижада эса юртимизнинг инсонпарвар ва тинчликсевар сиёсати Конституция даражасида мустаҳкамланиши таъминланади.

Бундан ташқари, амалдаги Конституцияда маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида ифодаланган. Аммо ҳозирги ислохотлар жараёнида бунинг ўзи кам. Негаки, сўнгги вақтларда маҳалла институтида амалга оширилаётган ислохотлар янги босқичга кўтарилди ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларига ва уларнинг раисларига кенг ваколатлар берилди. Маҳаллабай ишлаш тизими жорий қилинди, ёш кадрларни маҳал-

лага жалб этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шу тариқа кундан-кунга маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузи юксалаётир.

Шу сабабли ҳам юртодошларимиз Конституциянинг фундаментал принциплар ва нормаларини такомиллаштиришга доир ушбу тақлифни билдиришган: “Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига, Конституциянинг асосий принципларига зид равишда ёки зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас”.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш масаласи ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиши қатор тақлифларда ўз аксини топган. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳуқуқий мақомини белгиллаш, агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги Президент Фармониин парламент юқори палатаси томонидан тасдиқлаш ана шулар жумласидан. Зеро, бу юра замирида коррупция иллатига қарши курашиш қучайтириш, ушбу мақсадда ташкил этилган агентликнинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш ҳамда унинг маъмулиятини ошириш, бу борада парламент назоратини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳассамдир.

Умуман, суд-ҳуқуқ, таълим, меҳнат соҳалари ҳамда мулк дахлсизлиги, ташқи сиёсат, сиёсий ҳуқуқлар ва бошқа қатор масалалар юзасидан тақлифлар келишда давом этапти. Уларнинг ҳар бири Конституциявий комиссия томонидан чуқур таҳлил қилиб борилмоқда.

Норимон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНДИ

 Бош қомусимизни жамиятдаги реал воқеаликка, демократик ислохотлар жараёнига мослаштириш, такомиллаштириш бўйича халқимиз томонидан қўллаб-қўллагилари билдирилмоқда. Ўз навбатида, мен ҳам ўз тақлифларимни билдирдим ва яна изланишларни давом эттиряпман.

Айни чоғда Конституциямизнинг қайсибир моддаси ёки бирон-бир нормасини ўзгартириш ҳақида эмас, балки бошқа бир масалага эътиборингизни қаратмоқчи эдим.

Бу ўринда гап Конституциянинг янада мукаммаллашувига бўлган истак-ирода ҳақида, яъни айни жараён халқимизни ўзининг сўзини, қўлдан бўён ўйлаб юрган фикрини, Конституциянинг қайси моддасини қандай ёзиш бўйича қўнғлига тугиб юрганларини айтишга, керак бўлса, тўкиб солишга ундаганлигида бо-

раётир. Мабодо тақлифингиз маъқул топилиб, Бош қомусимиз нормаларида ўз аксини топса, албатта, сиздан бахтли одам бўлмас керак.

Нега дейсизми? А

МУТАХАССИСЛАРНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари кўмитаси, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети хамкорлигида маҳаллий Кенгашларнинг ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари, котибиёт mudirlари ва мутахассислар учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинар

Тадбирда соҳа мутахассислари давлат органлари ва ташкилотларига доир ОАВ ва ихтимоий тармокларда эълон қилинаётган танқидларга тезкор муносабат билдириш амалиёти, улар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари юзасидан назарий билимларни улашди.

Семинарда юртимизда сўз эркинлигини таъминлаш, давлат органлари ҳисобдорлиги ва очиклигини кучайтириш ҳамда давлат ва жамият ҳаётида оммавий ахборот воситалари ролини ошириш бўйича баҳариланган тизимли ишлар ҳусусида ҳам сўз юртилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар ва уларнинг аҳамияти батафсил тушунтирилди.

Иштирокчиларга маълум қилингандек, кейинги даврда маҳаллий Кенгашлар фаолияти янада тако-

миллаштирилиб, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди. Қолаверса, ҳар бир давлат идораси ва ҳокимликда ахборот сиёсатини юритишга бевосита масъул бўлган ахборот хизматлари фаолият олиб бормоқда.

Семинарда ўтган йилларда ОАВ ва ихтимоий тармокларда эълон қилинган танқидий руджади материалларга нисбатан ахборот хизматлари томонидан билдирилган муносабатлар аниқ мисоллар орқали кўриб чиқилди. Кайд этилишича, 2019 йилда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан танқидий-тахлилий материалларга муносабат билдириш амалиёти 12 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йил якунига кўра, ушбу кўрсаткич 93 фоизга етган.

Тадбир якунида доимий комиссия раислари ҳамда котибиёт mudirlарининг ахборот сиёсати борасидаги билим ва малакасини ошириш, шу мақсадда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Қонун ва ижро

ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ЎРГАНИЛЯПТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси “Кишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан Қашқадарь вилоятининг Китоб ва Яккабў туманларида назорат-тахлил тадбирини олиб бормоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур Қонун билан фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерларида янги ўрмонзорлар ва доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш мақсадида фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси томонидан уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага беришнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Шунингдек, фермер ҳўжалигига берилган ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга кишлоқ ҳўжалиги экинларини оралик экиш учун бир йил муддатга иккиламчи ижарага бериш механизми йўлга қўйилди. Ўрганиш жараёнида ушбу имкониятларнинг амалиётдаги ижросига эътибор қаратилиб, соҳада юридик ва жисмоний шахсларга яратилаётган шартлоллардан самарали фойдаланилаётганлиги масаласи ҳам кўздан кечирилди. Хусусан, давлат

ўрмон фонди участкаларига асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш тизимининг ҳолати, рекреация зоналари ташкил этиш тизими, экотуризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишилди.

Ўрганиш давомида давлат ўрмон фонди ерларида ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ушбу талабларни бузишга доир ҳўқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда ўрмонлар муҳофазасига қаратилган мустаҳкам механизм яратиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам депутатлар диққат марказида бўлди.

Шу билан бирга, маъмурий ҳўқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилган мансабдор шахслар ҳамда улар томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳўқуқбузарликларнинг аниқ рўйхати билан ҳам танишилди.

Худудлардаги ўрганиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

17 июнь — Бутунжаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни

АТРОФ-МУҲИТ УЧУН ГЛОБАЛ МУАММО

Глобал экологик муаммолар ривожининг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид айрим муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Шу сабабли ҳам 1994 йил декабрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қабул қилган резолюцияга асосан ҳар йили 17 июнь — Бутунжаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни, деб эълон қилинди.

Ушбу кунда дунёдаги барча мамлакатларда ерларнинг таназзулга учрашини камайтириш бўйича муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган қарорлар қабул қилиниб, турли тадбирлар ўтказилади ва уларда аҳолининг кенг қатлами фаол иштирок этишини таъминлаш орқали чўлланиш ва қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилади.

Бугунги кунда чўлланиш дунёнинг юздан ортик мамлакатларининг барқарор ривожланишига таҳдид солмоқда. Ачинарлики, бу кўп жиҳатдан инсон омиллига боғлиқ бўлиб, табиий ресурслардан, хусусан, ер ва сув ресурсларидан ноқилона фойдаланиш, шунингдек, тупроқ ва шомол эрозияси чўлланиш жараёнларини янада тезлаштирмоқда.

Республика ер майдонининг 70 фоизи ёки 31,4 миллион гектари қурғоқчи майдонлардан иборат бўлиб, қарийб 10 миллион гектар яйловлар тубдан яхшиланишга мўхтож. Кўнчадиган қумлар қарийб 1 миллион гектар майдонни эгаллайди ва ушбу ерларнинг 200 минг гектари сўнгги вақтда суғориладиган майдон-

лар атрофида пайдо бўлган. Бу эса чўлланиш жараёнининг жадаллашувида намён бўлувчи жиддий таҳдидни вужудга келтирмоқда. Ерлар дегрaдацияси кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилинган суғориладиган ҳудудларда ҳам рўй бермоқда. Бу, ўз навбатида, кишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсир этган ҳолда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига раҳна солмоқда.

Шу билан бирга, Орол денгизи сув сатҳининг қуриши туфайли Ўзбекистонда яна қўшимча 3 миллион гектардан ортик майдонда “Оролқум” савҳоси пайдо бўлди. Натижада ушбу ҳудудда экологик муҳит ёмонлашиб, чўлланиш жараёнлари янада кучайди ва кўплаб ижтимоий муаммоларни юзатга келтирди.

Олиб борилаётган экологик сиёсат натижасида юртимизда чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Авваламбор, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди, молиявий ресурслари аниқлаб берилди.

Айни пайтда мамлакатимизда

Бекзод Қиличев ишдан қўймайдиган тадбиркор эмасми, хусусий шерик сифатида боғча қурилишини бошлаб юборди. Унинг йилига 3 миллиард дона пишққ гишт ишлаб чиқарадиган заводи борлиги учун ҳам бинони қуришда қийинчиликларга учрамади. 160 ўринли боғчанинг биринчи қавати битди. Шундан сўнг эса...

— Банк раҳбарлари менга бинонинг биринчи қавати томини ёпсангиз, кредит берамиз, дейишди, — дейди Б. Қиличев. — Бунга ҳам кўндинг. Бинонинг биринчи қаватини плита билан ёпиб, банкка бордим. Аммо улар сизнинг кредит тарихингиз ўрганилганда “средний” чиқди, қабилидаги баҳонани рўкан қилишди. Кайфиятим тушиб кетди: наҳотки, шуна иш қилиб ҳам кредит ололмасам, деган фикр миямда яшиңдек чакнади.

Биласиз, болажон халқимизнинг эрта тонгдан фарзандини тинч-хотиржамликда, ақлли, доно, билимли бўлиши учун таълим-тарбия масканига жўнатишдек ширин ташвиши бор. Ахир, юртимизнинг бахти, келажакки ҳам шу болажонларимиз-ку?

Умуман, инсон фарзанди ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Аммо сиз яшаб турган ҳудудда мактабгача таълим ташкилоти бўлмасачи!?

Келинг, шу ўринда, бошдан дўппини олиб, бир мулоҳаза қилсак: Хўжақарлик қишлоғида 600 нафар мактабгача таълим ёшидаги бола бор. Шундан 100 нафардан зиёди боғча ва тайёрлов гуруҳига жалб этилган бўлса, қолган 500 нафарга яқини боғчаларга мактаб олинимасдан қолиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам 2021 йил 10 июнда “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Ва айнан шу қарор асосида Хўжақарлик қишлоғида 160 ўринли давлат-хусусий шериклик асосида боғча қуришга киришилди.

2 миллиард сўмлик иш уудаланди, иккинчи томон нега жим?

Бу ҳақда банк мутасаддиси шундай дейди:

— “Yulduz Alijon” нодавлат мактабгача таълим муассасаси томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда чалқашликлар мавжудлиги учун кредит ажратилмапти, — дейди “Агробанк”нинг Касби тумани филиали раҳбари Нодир Юсупов. — Масалан, таъсисчи Бекзод Қиличев фаолияти Кредит-ахборот тахлилий маркази кредит бюроси орқали мониторинг қилинганлар 283 балли “средний” даража қайд этилди.

ҲИМОЯ ҚИЛИНАЁТГАН ДИССЕРТАЦИЯЛАР НАТИЖАДОРМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан “Республикаимизда ҳимоя қилинаётган диссертациялар ва уларнинг мамлакатимиз ривожини ва тараққиётини, халқимиз фаровонлигини оширишдаги ўрни ва роли” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Инновация ривожланиш вазирликлари, Фанлар академияси раҳбарияти, юртимизда қадим олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари иштирок этди.

Кайд этилганидек, мамлакат келажаги, барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти бевосита таълим ва илмфан йўналишидаги сиёсатнинг самарадорлигига боғлиқ. Шу боис мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида таълим ва илм-фанни ривожлантириш бўйича тизимли ва

кенг кўламли чора-тадбирлар қўлланмоқда.

Хусусан, олий таълим тизимида олиб борилаётган ишлар натижасида ўтган йилда илмий даражали профессор-ўқитувчилар сони 12 минг 686 нафарга етди. Илмий салоҳият 2017 йилдаги 31,9 фоиздан ўтган йилда 39,3 фоизга ўсди. Таъкидланганидек, айни пайтда олий таълим муассасаларида 5 минг 120 докторант ҳамда 379 нафар стажёр-тадқиқотчи илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланмоқда. Жорий йилда олий таълим ва илмий ташкилотларда 2,5 мингдан ортик диссертациялар ҳимоялари режалаштирилган.

Иштирокчилар бугунги кунда диссертация тадқиқотларини амалиёт билан боғлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, соҳада аниқланган хато ва

мига қўшилиши муносабати билан “яшил иктисодиёт”га ўтиш бўйича давлат стратегияси ишлаб чиқилди.

Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонднинг таъсис этилиши ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясининг қабул қилиниши том маънода ўзбек дипломатиясининг ютуғи бўлди.

Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубидаги 1,6 миллион гектар майдонда саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликларнинг экилиши мамлакатнинг халқаро ҳужжатлар доирасида қабул қилган мажбуриятларининг амалий натижасидир. Тараққиёт стратегиясида ушбу ишларни жадал амалга ошириш назарда тутилганлиги келгусида Оролбўйида инсон хавфсизлиги учун экологик мақбул ҳудуд барпо этишга замин яратди.

Айтиш жоизки, бутун дунёдаги каби юртимизда ҳам экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Ўтган йили содир бўлган қум бўрони буни яна бир бор тасдиқлади. Шу сабабли Ўртабўйида ташаббуси билан Тараққиёт стратегияси асосида мамлакатни яшил майдонлар билан қоплаш ишларини бугунги 8 фойиздан 30 фоизга чиқариш мақсади қўйилди. Ўз навбатида, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ушбу маррага етишда стратегик ечим бўла олади.

ХУСУСИЙ ШЕРИК НЕГА ЯККАЛАНИБ ҚОЛДИ?

БУНГА «АГРОБАНК»НИНГ КАСБИ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ РАҲБАРЛАРИ АЙБДОРМИ ЁКИ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИК?

— Бу мониторинг яқинда ўтказилди, тадбиркор эса 8 ойдан буюн югуриб юрибди, нега керакли ҳужжатлар рўйхатини дастлаб банкка мурожаат қилган пайтда тақдим этмадингиз, — дея сўраймиз филиал раҳбаридан.

— Тақдим этганмиз, лекин КАТМ ҳамма ҳужжатлар тахт бўлганидан сўнг тахлилни бошлайди, бунга қадар вақт ўтиб кетди...

Умуман, Н. Юсуповнинг гапидан шундай ҳулоса чиқадики, тадбиркор банкка ишониб, хусусий шериклик асосида ўз мажбуриятини бажаради, яъни 2 миллиард сўмлик ишни уудалайди. 160 ўринли боғчанинг биринчи қаватини битириб, томини ёпади. Шунача иш дўндирилган эса банк “Сизнинг кредит тарихингиз “средний” чиқди. Сизга кредит ажратла олмаймиз”, дейди.

Саволлар туғилди: нега, шу гапни тадбиркор 2022 йилнинг 10 январиде банкка ҳужжат топширганида айтишмаган? Неге олти ой ўтган, кредит бериш рад этилаётир? Бу тадбиркорнинг вақтини ўйрлаш эмасми? Вақоланки, тадбиркор банкка ҳужжатларни 2022 йилнинг 10 январиде эмас, балки 2021 йилнинг 5 октябрдан буюн топшириш учун елиб-югурган. Ўз навбатида, банк ҳужжатларни қабул қилишни пайсалга солиб келган, тадбиркор кредит ҳужжатини 15 марта қайта тўғрилашга мажбур этилган.

Қолаверса, тадбиркор хусусий шерик. Тарозининг иккинчи палласида давлат, яъни Мактабгача таълим вазирлиги, унинг вилоятдаги тузилмалари, АТ “Агробанк”, маҳаллий ҳокимлик, назорат органлари, қолаверса, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги турибди. Бу ташкилотларнинг номини тилга олаётганимизнинг боиси шундаки, Президентимизнинг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориде айнан мазкур ташкилотлар мутасаддилари зиммасига вазифалар белгиланган.

Хусусан, мазкур ҳужжатда “Мактабгача таълим вазирлиги (Шин, Онорбоев) тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, шаклланган маблағлар доирасида: хусусий шерикларга имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашини”, деб белгилаб қўйилган.



КАТМ кредит бюроси қарз олувчини «қора рўйхат»га киритмайди

— Кредит бюроси қарз олувчиларни ҳеч қандай “қора рўйхат”га киритмайди. “Қора рўйхат” оғзаки ибора бўлиб, базис кредит ташкилотлари ходимлари томонидан салбий кредит тарихи ёки пост скоринг баллини изоҳлаш учун ишлатилган бўлиши мумкин, — дейди Кредит-ахборот тахлилий маркази кредит бюроси маркетинг ва кредит ахбороти тахлили департаменти директори ўринбосари Машхурбек Раҳимов. — Молиявий секторда скоринг потенциал қарз олувчининг тўлов қобилиятини баҳолашда қўлланилади. Скоринг балл қарз олувчининг кредит тарихи маълумотлари асосида ҳисобланиб, кредит қарзини ўз вақтида тўлай олиш эҳтимолини баҳолайди. Скоринг балли қанчалик юқори бўлса, қарз берувчи томонидан кредит аризаси маъқуланмиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Яна шуни алоҳида айтиб ўтмоқчи эдимки, скоринг балли амалдаги мавжуд барча муддати ўтган кредит қарздорликларни бартараф этиш, қарзларнинг умумий суммасини камайтириш, расмий даромадни ошириш, ижобий кредит тарихига эга бўлиш ва кредитлар бўйича қарзларни ўз муддатида тўлаб бориш орқали оширишга эришиш мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, касбилик тадбиркор Бекзод Қиличевга “Агробанк”нинг Касби тумани филиали орқали кредит ажратилиш мумкин. Фақат “бу ҳужжатинг нотўғри, у маълумотноманг ишончсиз” деб уни ноумид қилгандан кўра, банк ходимлари муаммони биргаликда ечанганида, тадбиркорга ёрдам берганида, муаммо

узoқ чўзилмаган бўларди. Агар иш ҳамкорликда олиб борилганида, Хўжақарлик қишлоғидаги 160 ўринли боғча белгиланган муддатда, яъни 2022 йилнинг май ойида ишга туширилиб, паст қамровли ҳудуд ҳисобланган Касби туманида Президент қарори ижроси таъминланган бўларди.

Нега «Протокол»га тушган 4 та боғчанинг бирортасига ҳам кредит берилмади?

Президентнинг йқорида зикр этилган қарори ижроси юзасидан Касби тумани мактабгача таълим бўлими mudiri Абдураҳмон Янгибоевни ҳам суҳбатга тортиди.

— “Yulduz Alijon” нодавлат мактабгача таълим муассасаси таъсисчисига ҳамма ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашганмиз, — дейди А. Янгибоев. — У ўз зиммасидаги мажбуриятни ҳам кам-қисқисиз ууддалаган. Аммо бу ўринда банк томонидан унга нега имтиёзли кредит ажратилмаётгани ҳақида фикр билдиришга оқшмкан.

— Ўзи Касби туманида давлатимиз раҳбари қарори асосида нечта боғча қурилиши мўлжалланган? — дея сўрайман мутасаддидан.

— “Yulduz Alijon” нодавлат мактаб-

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, мактабгача таълим муассасаларини замон талаблари даражасига олиб қиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётган бир пайтда бу каби ҳолатларнинг учраб туриши уят, бу йўналишда ҳамон ишга виқдонан ёндашмайдиганларнинг борлиги ачинарли. Дарвоқе, давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифоти чоғида “Ким мен билан дўст бўлимоқчи бўлса, мактабгача таълим ва мактаб билан шуғуллансин”, дея таъкидлаганларидан Касбидаги мутасаддилар ҳали ҳулоса чиқаришмаган кўринади.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Конференция КАРДИОЛОГИК ВА КАРДИОЖАРРОҲЛИК ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ ТАЛАБГА ҚАНЧАЛИК МОС

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қураоларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси томонидан “Кардиологик касалликларнинг олдини олишда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти” мавзусида конференция ўтказилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, хусусан, аҳолига кўрсатилаётган кардиологик ва кардиожаррохлик хизматлари сифатини яхшилаш, ҳудудларда юрак-кон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ўлим ҳолатларининг 16 фоизини юрак-кон томир хасталиклари ташкил этади. Демак, ҳар йили 17,9 миллион киши айнан шу хасталиқлар туфайли ҳаётдан кўз юмади. Юрак-кон томир касалликларининг 8 миллиондан кўпроғи юрак ишемик таъсиҳисга тўғри келмоқда. Айниқса, 30 — 70 ёш оралиғидаги аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг 53 фоизи юрак-кон томир касалликлари туфайли юз бераётир. Сўнгги беш йилда бундай хасталиқлар 20 фоизга, жумладан, ёшлар орасида ҳам кўпайгани ачинарлидир.

Кайд этилганидек, юртимизда аҳоли орасида умумий касалланиш структурасида юрак-кон томир хасталиклари нафас олиш органлари ва кон ишлаб чиқарувчи аъзолар касалликларидан кейинги ўринда бўлишига қарамасдан, юрак-кон томир хасталиклари туфайли юз беради-

ган ўлим ҳолатлари юқори-лигича қолмоқда.

Конференцияда ушбу касалликларнинг олдини олиш, жумладан, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, олиб борилаётган тарғибот ишларини кучайтириш, бирламчи тиббий санитария бўғинида юрак-кон томир касалликлари эрта аниқлаш ва профилактика чораларини кучайтириш юзасидан қатор тақлифлар берилди. Хасталикларни эрта аниқлашда рақамли технология, телемедицина ва телеметрия имкониятларини кенг жорий этиш, кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, конференция иштирокчилари бирламчи тиббий муассасалари томонидан даврий тиббий қўриқларни йўлга қўйиш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини зарур дори воситаларини билан бепул таъминлаш, ҳудудларда кўрсатилаётган юқори технология, каминвазив кардиологик ҳамда кардиожаррохлик тиббий хизматларни кўламини ошириш ҳамда юрак-кон томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини рақамлаштириш бўйича ҳам тақлиф ва тавсиялар билдириди.

Якунда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газетлари жамоаси “Халқ сўзи” газетаси масъул котиб ўринбосари Юсуф Ҳамидовга онаси Евдоксия Макаровна КРАСНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Моҳира ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

«АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

РЎЙХАТГА ОЛИШ РАҚАМИ: ЎЗР МБнинг 2021 йил 25 ДЕКАБРДАГИ 48-СОНЛИ ЛИЦЕНЗИЯСИ.

МАНЗИЛ:100047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, АМИР ТЕМУР ШОҲКЎЧАСИ, 4-УЙ.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ

2021 ва 2020 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(млн. сўмда)

№	Моддалар	2021 йил	2020 йил
	Активлар		
010	Пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари	1 983 755	735 883
020	Бошқа банклардаги маблағлар	424 016	297 784
030	Қимматли қоғозларига киритилган инвестициялар	468 030	413 851
040	Мижозларга берилган кредитлар, шу жумладан, молиявий ижара	8 358 887	5 923 797
050	Асосий воситалар	1 064 845	615 815
060	Номоддий активлар	65 577	34 331
070	Фойда солиғи бўйича кечиктирилган активлар	23 789	24 420
080	Бошқа молиявий активлар	88 061	27 597
090	Бошқа номолиявий активлар	87 070	58 767
100	Сотиш учун мўлжалланган активлар	-	82 886
120	Жами активлар	12 564 030	8 184 435
	Мажбуриятлар		
210	Бошқа банкларнинг маблағлари	1 647 383	802 399
220	Мижозларнинг маблағлари	6 924 609	4 940 189
230	Бошқа қарз маблағлари	2 281 503	860 859
240	Бошқа молиявий мажбуриятлари	127 675	20 245
250	Бошқа номолиявий мажбуриятлари	37 082	51 833
260	Сотиш учун мўлжалланган мажбуриятлар	-	42 004
270	Жами мажбуриятлар	11 018 252	6 717 529
	Хусусий капитал		
310	Акциядорлик капитали	959 519	959 519
320	Тақсимланмаган фойда	584 728	492 444
330	Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	1 531	14 943
340	Жами хусусий капитал	1 545 778	1 466 905
350	ЖАМИ: хусусий капитал ва мажбуриятлар	12 564 030	8 184 435

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2019 йил 5 апрелдаги АФ № 00780-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисида ахборот банкнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси бор.

АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ

2021 ва 2020 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(млн. сўмда)

№		Устав капитали	Қўшимча капитал	Қайта сотиб олинган ўз акциялари	Жами Устав капитали	Сотиш учун мўлжалланган мавжуд қимматли қоғозларни қайта баҳолаш жамғармаси	Тақсимланмаган фойда	Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	Жами хусусий капитал
010	2020 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	955 606	3 912	-	959 519	-	374 548	14 875	1 348 942
	Умумий йиллик даромад						117 896	422	118 318
020	Жами умумий йиллик даромад						117 896	422	118 318
030	Эълон қилинган дивидендлар						-	(354)	(354)
050	2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	955 606	3 912	-	959 519	-	492 444	14 943	1 466 906
060	Йиллик фойда						92 284	254	92 538
070	Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши бўйича шўъба корхоналарга инвестицияларни кўпайтириш							72	72
080	Жами йиллик даромад						92 284	326	92 610
090	Шўъба корхонанинг сотилишидан чиқиб кетадиган эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши							(13 738)	(13 738)
100	2021 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	955 606	3 912	-	959 519	-	584 728	1 531	1 545 778

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ

2021 ва 2020 йилларнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(млн. сўмда)

№	Моддалар	2021 йил	2020 йил
	Операцион фаолиятдаги пул оқимлари		
010	Самарали фоиз ставкаси бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар	1 048 763	820 590
020	Тўлаб берилган фоизлар	(604 733)	(495 101)
030	Олинган воситачилик ҳақлари	264 028	185 580
040	Тўланган воситачилик ҳақлари	(172 035)	(100 738)
050	Хорижий валютадаги операциялардан даромад/харажат	14 185	(2 325)
060	Шўъба корхоналар сотилишидан олинган даромад	10 657	-
070	Бошқа олинган операцион даромадлар	9 324	3 003
080	Ходимларга тўланган харажатлар	(235 334)	(181 146)
090	Тўланган маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	(108 502)	(70 115)
100	Тўланган фойда солиғи	(30 300)	(41 154)
	Операцион актив ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга қадар операцион фаолиятдаги пул оқимлари	196 053	118 596
120	Операцион активларнинг соф (кўпайиши)/камайиши		
	Бошқа банклардаги маблағлар	(42 906)	243 408
	Мижозларга ажратилган кредитлар	(2 515 365)	22 414
	Бошқа активлар	(76 979)	(23 321)
	Операцион мажбуриятларнинг соф (камайиши)/кўпайиши		
161	Мижозларнинг маблағлари	1 551 838	(123 954)
162	Бошқа банклардаги маблағлар	839 686	136 939

163	Бошқа мажбуриятлар	91 663	11 729
170	Операцион фаолиятдаги соф пул оқимлари	43 990	385 812
	Инвестиция фаолиятдаги пул оқимлари		
	Амортизация қилинган қиймат бўйича ҳисобга олинган қарз қимматли қоғозларга		
181	инвестицияларни сотиб олиш	(405 746)	(512 918)
	Амортизация қилинган қиймат бўйича ҳисобга олинган қарз қимматли қоғозларни сотиб олишдан олинган маблағлар	368 805	190 000
183	Боғланган компаниялардан сотиб олиш	(53 900)	(970)
	шўъба, қарам ҳўжалик жамиятлари ва биргаликдаги корхоналарга сотишдан ечиб олинган нақд соф пул	21 017	-
185	Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш	(509 644)	(301 596)
200	Инвестициявий фаолият бўйича пул маблағлари соф харажати	(579 468)	(625 485)
	Молиявий фаолиятдаги пул оқимлари		
330	Тўланган дивидендлардан	-	(354)
340	Бошқа қарз маблағларини олишдан	1 594 921	605 556
350	Бошқа қарз маблағларини қайтаришдан	(174 654)	(253 225)
360	Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари соф пул оқимлари	1 420 267	351 977
	Айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири	363 083	50 191
370			
380	Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши	1 247 872	162 494
390	Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	735 883	573 390
400	Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	1 983 755	735 883

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 259 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.55 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6